# ШАРТНОМА № 202752

(товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

" 19 " декабрь 2022 йил — Урганч шахар

(Хужалик юритувчи субъект ФИШ)

Бундан буён бир томонидан "Буюртмачи" деб юритилади, низом асосида харакат қилувчи, иккинчи томонидан **"Китоб муъжиза" МЧЖ** номидан директор **С.Аллаберганова**

(Хужалик юритувчи субъект ФИШ)

Низоми асосида иш юритувчи бундан буён "Ижрочи" деб юритилади ва қуйдагилар хақида Ушбу шартнома тузилди.

## 1-ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 "Ижрочи" ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, "Буюртмачи" эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

## 2-ШАРТНОМА НАРХИ

| № | Товарнинг номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Спефикацияга асосан китоб махсулотлари | дона | 970 | 49900 | 48 403 000 |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| | **Жами:** | дона | 970 | | **48 403 000** |

Товарларнинг шартномавий умумий бахоси **48 403 000 (Қирк саккиз миллион турт юз уч минг) сум** ***(ККС сиз)***

(рақамлар, ёзувлар билан)

## 3- ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 "Буюртмачи" олдиндан шартнома суммасининг 30% миқдорида пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2 "Буюртмачи" қолган 70% тўловни "Ижрочи" томонидан товар ёки мол-мулкни тўлиқ етказиб бериб, хисоб-фактура тақдим қилгандан сўнг пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

## 4-ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1 "Ижрочи" мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 1 ойи ичида "Буюртмачи" га етказиб бериши шарт.

## 5-ТОВАР СИФАТИ

5.1 Етказиб берилаетган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати) ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва "Буюртмачи"нинг талабига мос келиши шарт.

## 6-ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 "Ижрочи" мажбуриятлари:

-Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вақтида "Буюртмачи" га товарни етказиб бериш;

-Шартноманинг шартлари "Буюртмачи" томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш хуқуқига эга;

-Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисита билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10-кун ичида алмаштириб бериш ёки Ушбу шартноманинг 2 бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк бахосини қайтариб бериш.

-"Ижрочи" етказиб берган махсулотларнинг хисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, хисоб-варақаларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитлари расмийлаштириш шарт.

6.2 "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

-"Буюртмачи" шартномада белгиланган талабларга риоя қилган холда тўловларни амалга ошириш, товарларни далолатнома тузиб Ушбу шартномада ва қонун жужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кегин, бу хақда далолатнома ёзилиб 5 кун ичида "Ижрочи" ни огохлантириш.

-Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

## 7-ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек Ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2 "Ижрочи" "Буюртмачи"нинг олдиндан маблағи бўлган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида "Буюртмачи" га пеня тўлайди, пеня миқдори етказиб берилмаган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларига кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 20 % миқдорида жарима тўлайди.

7.4 "Буюртмачи" олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5 Текширув органлари томонидан маҳсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

## 8-ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1 Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боглик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган такдирда Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, енгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларнинг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка, хар кандай холатлар тегишлидир.

8.2 Тарафлар Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бажармаслик сабаблари тўгрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1-ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш мумкин.

## 9- ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1 Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор килишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал килинади. Ўзаро келишилмаса Иктисодий суд ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари тартибда ҳал қилинади.

9.2 Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатилан илгари бекор килиш мумкин.

9.3 Ушбу шартнома 2022 йил " 19 " декабр дан 2022 йил " 31 " декабр гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ғазначилик бошқармаси (бўлим)да рўйхатдан ўтказилганидан сўнг конуний кучга киради.

## 10- ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

**"ИЖРОЧИ"**

**"Китоб муъжиза" МЧЖ**

МанзилУрганч ш. Ал Хоразмий 33 уй

Тел: +998 93 501 61 16

Х/в: 2020 8000 6009 5145 3001

Банк номи: ИнФинбанк АТБ Хоразм филиали

МФО: 01129

СТИР: 305 910 604

Рахбар: С.Аллаберганова

_______________________ (имзо) М.У.

**"БУЮРТМАЧИ"**

Яккабоғ Ахборот-кутубхона маркази

**Манзил:** Яккабоғ тумани Амир Темур кўч 81 уй

**Тел/факс:** +99897-888-09-11

**ш/х :** 100022860102502082102134004

Ташкилотнинг СТИРи 306206634 **ИФУТ:**

**Ғазначилик бошқармаси номи:** бўйича

Ғазначилик бошқармаси

**ЯҒХ:** 23 402 000 300 100 001 010

**Банкнинг номи:** Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Хисоб-китоб касса маркази (ҲККМ )

**МФО:** 00014 Ғазначилик бош СТИРи : 201 122 919

Д. Шарапова (имзо) М.У.

Хуқуқшунос А. Тиғиков

YAKKABOG' TUMANI DSI

YURIDIK XIZMATI № 45

(imzo) "19" 12 2022y.

Ушбу шартнома амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Бош юрисконсульт

Ф. Тўлминов

20.12.2022 й.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Яккабоғ туман Ахборот кутубхона маркази
раҳбари ________________ Р. Шахабова
" 19 " Декабрь 2022 йил

**Яккабоғ тумани**

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 19 июньдаги № ПК 4354 сонли қарорига асосан ташкил этилган туман Ахборот кутубхона марказига 2022 йил учун китобхонлар талаб ва эхтиёжлари асосида янги адабиётлар сотиб олиш учун қўйилган давлат харидларига қўйилган лот №202752 баённомаси ва 49 999 620 сумлик китобларни давлат харидларининг 2 иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш утказиш натижалари бўйича этирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси азолари тегишли карор кабул қилди

Туман ахборот кутубхона марказида туман хокимлиги хисобидан китоб олиш учун шаклланган дастлабки электрон лот №202752 баённомаси асосида шартнома тузиш бўйича комиссиясининг карори кабул килди

**Танлов комиссия аъзолари:**

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси | Р.Шахабова |
| Аъзо | Э.Бекназаров |
| Аъзо | Г.Абдиназарова |
| Аъзо | К.Сатторова |
| Аъзо | С.Бекназарова |
| Котиба | М.Бўриева |

Кун тартибидаги кўрилган масала

Яккабоғ туман ахборот кутубхона марказига туман хокимининг китоб сотиб олиш учун шартнома тузилади Китоб махсулоти учун 2022 йил декабрь ойида етказиб бериш учун ташкилот билан шартнома килиш шартнома тасдиклаш тўғрисида

Комиссия томонидан конкурсда катнашган томонларни таклифини кўриб чикиб кутубхона марказида китоб етказиб бериш учун 4 та хусусий корхона катнашганини эълон килади улар куйидагича

Танлов конкурс бўйича 2022 йил 7 декабрь кунида қўйилган лот №202752 сонли баённома эълон қўйилган кийин4 ташкилот узини таклифлари билан катнашди ва юкори

балл KITOB SAVDO MCHJ олди ва 2 кун мухокамада кўйилди бошка эьтирозлар бўлмагандан кийин KITOB SAVDO MCHJ шартнома имзоланди

**Танлов комиссия аъзолари корор кабул килди:**

1. KITOB SAVDO MCHJ ғолиб деб топилсин

2 KITOB SAVDO MCHJ билан шартнома тузилсин ва таминланишни амалга ошириш вазифаси Э Бекназаровга юклатилсин.

| | |
|---|---|
| Аьзо | Э Бекназаров |
| Аьзо | Г Абдиназарова |
| Аьзо | К.Сатторова |
| Аьзо | С Бекназарова |
| Котиба | М.Бўриева |

Яккабоғ -2022 й

1524038

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkaziiganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KITOB-MO'JIZA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"KITOB-MO'JIZA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.12.2018 657392 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 305910604

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Xorazm viloyati, Urganch shahri, Al-Xorazmiy ko'chasi 33-uy,

Guvohnoma: Xorazm viloyati, Urganch shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)